

АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРЛАРИДА ОЯТ ВА ҲАДИСЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Назарова Гулираъно Фахриддин қизи
ЎзЖДТУ халқаро журналистика факултети
1-босқич талабаси
Е-маил: назаровагулирано529@gmail.com
Тел: +998957880398

Аннотация: ушбу мақолада Аъзам Ўктамнинг айрим шеърлари таҳлилга тортилган. Шоир шеърларида қўлланган бадий тасвир воситалари ҳақида фикр юритилган, шунингдек, оят ва ҳадисларнинг келтирилишига доир бадий санъатлар “иктибос” ҳақида мулоҳазалар берилган.

Калит сўзлар: бадий санъат, иқтибос, Қуръони Карим, оят, ҳадис, шеър.

Абстракт: тҳис артисле анализес some поемс оф Азам Октам. Тҳоугҳц шере гивен он тхе меанс оф артистис имагерй усед ин тхе поетъс поемс, ас шелл ас сомменц он тхе арт оф “куотатион” релатед то куотинг версес анд ҳадис

Key words: арт, куоте, Қуран, версе, ҳадис, поем.

Шарқ адабиётида, хусусан, ўзбек адабиётида ўрта асрларда мумтоз адабиёт намуналарида ислом динининг муқаддас китоби Қуръон оятлари, пайғамбар ҳадисларидан парчалар, намуналарни асар таркибига киритиб маъно кучайтириш, асар тилини безаш кенг анъана бўлган. Ҳозирги ўзбек шеърлятида ҳам иқтибос санъати кенг қўллана бошлади.

Иқтибос (арабча “зиё олмоқ”, маъносидаги сўз) – 1) ўз фикрини изоҳлаш ёки тасдиқлаш учун бошқа бировнинг асаридан парча ёки маълум бир сўз (ситата) келтириш; 2) бошқа бир шоирнинг шеърини ижодий қайта ишлаш. (Ҳ.Ҳомидий, Ш. Абдуллаева, С.Иброҳимова “Адабиётшунослик терминлари луғати. Ўқитувчи. 1967, 71-бет)

“Илм ўзлаштирмоқ” маъносидаги иқтибос сўзи Қуръон оятлари ва пайғамбар ҳадисларини шеър ичида келтириш ёки уларнинг мазмунини шеърда ифодалаш санъатидир. Мусулмон мамлакатларининг шоирлари бу усулга кенг муурожаат қилиб, ўзларининг лирик ва лиро-эпик асарларининг матнларига оятлар ва ҳадисларни киритганлар. Бу санъат ҳақида ёзилган маълумотлар жуда кам, алоҳида ишлар ҳам мавжуд эмас. Иқтибос санъати моҳиятан ва вазифасига кўра бадий адабиётнинг специфик хусусиятидир. Ушбу санъатни тилшунослик нуқтайи назаридан услубий ва матншунослик муаммолари қаторида ўрганиш мумкин.

Кўринадики, иқтибос терминининг изоҳи ҳар икки муаллифда икки хил изоҳланган. Терминнинг маъноси деярли бир хил изоҳланади. Луғатдаги термин изоҳидаги 1. Ўз фикрини изоҳлаш ёки тасдиқлаш учун бошқа бировнинг асаридан парча ёки маълум бир сўз (ситата) келтириш, жумлалари А. Ҳожиаҳмедовнинг маънавий санъат турига кирувчи “тазмин санъати (“бир нарсани иккинчи бир нарса орасига қўймоқ”) – шеърга ўзга бир шоир асаридан бирон мисра, бир ёки бир неча байт киритиш санъати”га берилган таърифига айнан ўхшашлиги яққол кўриниб турибди. Бизнингча, ушбу ўринда А. Ҳожиаҳмедов изоҳлаган таърифда жон бор. Чунки ҳадисларга бағишлаб ёзилган шеърлар ҳозирги замон шеърлятида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Аъзам Ўктамнинг “Икки дунё саодати” деб номланувчи китобида Имом Бухорий тўплаган айрим ҳадисларнинг бадий талқини баён қилинади.

Мазкур тўплам аввал Имом Бухорий ҳадислари, сўнгра унинг бадий талқини, ундан кейин еса уларга изоҳ берилиши билан яқунланади.

Шоир мазкур тўпламдаги шеърларни диний-фалсафий усулда баён қиладики, ундан инсонлар ўрнак олишлари, табиий. Масалан, “Омонатга қилма хиёнат” шеъри иқтибос санъатига мисол бўла олади:

Чин бахцизлик асли не екан,
Расулуллоҳ шундайин деган:
“Бадбахт ерур деяр бўлса ким:
“Мен оятни есдан чиқардим”.
Бўлмас ўзи истаб унутган,
Жазо шулким, фаромуш етгай
Такрор етинг Қуръонни ҳар дам,
Боғлагандек туяни маҳкам.
Сал бепарво қолганингиз чоқ -
Қочар асов туядан тезроқ!

Шоир Муҳаммад пайғамбар ҳадисидан ижодий фойдаланган ҳолда уни бадий тилда ифода қилган. Бироқ ҳадис маъносига путур етмаган.

Соҳиби Қуръон (хофиз Қуръон) боғлаб қўйилган туянинг егасига ўхшайди. Агар у уни боғлиқда сақлаб еҳтиётласа, олиб қолгай, бўшатиб юборилса, кетиб қолгай!” Бу хусусдаги ҳадисларни Ибн Умар, Абдуллоҳ, Абу Мусо розияллоху анху ривоят етганлар: “Такрорлаш билимнинг онасидир”, деган гапни кўп ешитганмиз. Унутиш – ёқотиш билан баробар екан. Ёд олинган ҳар бир оятни еру кўкка ишонмай асраш керак. Ҳар сонияда: “Оллоҳ менга берган омонат жойида турибдими-ёқми?” дея текшириб турмоқ лозим. Жаннатга киритилган кишига: “Қуръондан қанча ёд олган бўлсанг, ўшанча ўқиб кетавер” дейиларкан. Ичкари юрилган сайин Оллоҳ таолога яқин борилади. Ўшал кунда тилимиз тутилишидан, сал ўтмай тўхтаб қолишдан Ўзи асрасин.

“Тили бошқа, дили бошқа - бадбахтдир” шеърида қуйидагилар ўз ифодасини топган:

“Замон охирида ўзлари ёшу, орзулари аҳмоқона ва гапга чечан бир қавм дунёга келур...”

Қуйидаги шеърда ҳадис маъносини кенгайтириб изоҳлаган:

Бир қавм келур - даъвоси баланд,

Маҳмадона, ҳавоси баланд.

Намоз ўқир, шу бирла шаксиз

- Таҳқирлашар намозларингиз.

Рўза тутар шу бирла сўзсиз

- Таҳқирлашар рўзаларингиз.

Гарчанд олим бўлур аксари,

Қуръон ўтмас бўғзидан нари.

Диндан чиқиб кетурлар есиз,

Ўқ камондан отилгандек тез.

Мазкур ҳадисни Абу Саъид ал-Худрий, Сувайд разияллоху анҳум ривоят қилганлар. Иймон тил билан изҳор етилиб, дилдан тасдиқланади. Пайғамбар алайҳиссалом хабар берган қавм еса тилида муслим, асли мунофиқ. Айтаётган сўзлари юракдан чиқмайди. Қуръон қалбларидан ўрин олмаган. Илоё. Шу қавм вакили бўлишдан асра!

“Ўзи покнинг дили пок” шеърида шоир “Беш вақт намоз... Оллоҳ таоло улар туфайли гуноҳларни кечиргайдир”(Бухорий. Ҳадис 1-жилд. Ал-жоме ас-сахих. Қомуслар. 1991, 156-бет) ҳадисини тўлалигича бадиий тилда инверсия усулида мазмун тўла сақланган ҳолда келтиради:

Лутф етурлар сарвари олам:

“Сой бўйида яшаган одам,

Унда беш бор чўмилса, кейин

Танимда кир қолди дермикин?”

Саҳобалар бир овоздан дер:

“Ундоқ танда қолмас сира кир”.

- Шундоқ ерур беш вақт намоз ҳам

Намоз билан покланур одам.

Бўлса агар инсонда гуноҳ,

Намоз боис авф етур Оллоҳ.

Пайғамбар алайҳиссаломдан “Бандаларнинг қайси амали оллоҳ таолога хуш келади?” деб сўрашганда, “Ўз вақтида ўқилган намоз” дея марҳамат қилган еканлар.

Аъзам Ўктам ҳозирги замон ўзбек адабий тили лексик қатламидан ўзлашма сифатида ўрин олган арабча-диний сўзларни ҳам шеър тилига сингдира олган.

Шоир “лутф”, “сарвари олам”, “саҳоба”, “намоз”, “гуноҳ”, “авф” сўзларидан унумли фойдаланади. Шеърдаги Оллоҳ, сарвари олам, намоз, покланмоқ, гуноҳ каби сўзлар маъносига кўра бир-бирига яқин тушунчаларни англатиши асосида таносиб санъати яратилган. Шеърда қўлланган барча сўзларнинг луғавий маъносидан ташқари, матний маънолари уйғунлашганини “сув танни покласа, ибодат дилни поклайди” тарзида кўрамиз.

Хулоса қилиб айтганда, бу санъатнинг луғавий маъноси “бошқа бир асар ёки шеърни қайта ишлаш “деб шарҳланган бўлса-да, иқтидорли шоирлар шеърларида ўз фикрини асослаш, мантиқий изчилликка еришиш мақсадида шарқона одоб нуқтайи назаридан оят, ҳадислардан, “Икки дунё саодати” каби тўлиқ иборалар келтирилиб, бадиий талқин етилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – Б. 56.
2. Аъзам Ўктам. Тараддуд. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – Б. 80.
3. Аъзам Ўктам. Қирқинчи баҳор. – Тошкент: Чўлпон, 2000. – Б. 50.
4. Ҳожиаҳмедов А. Шеърини санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 160.
5. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б. 287.
6. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 376.